

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий
кенгаши раисининг 2022 йил 7 октябрдаги
82/1-сон буйруғига 5-илова**

**Судьялар олий кенгаши тизимидаги коррупциявий хатти-
харакатлар тўғрисида алоқа каналлари орқали келиб тушган
хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш
РЕГЛАМЕНТИ**

1- боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари тўғрисида алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш Регламенти (кейинги ўринларда - Регламент) коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши (кейинги ўринларда -Кенгаш) тизимидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, улами рўйхатдан ўтказиш ва келиб тушган хабарларга муносабат билдириш тартибини белгилайди. Кенгаш тизимидаги коррупцияга оид бўлмаган муурожаатлар қонунчилиқда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Кенгаш ходими - Кенгаш билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

салл-сентер – Кенгаш ишонч телефонига келиб тушадиган муурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

муурожаатчи - Кенгаш тизимидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали Кенгашга муурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, хусусан Кенгаш ходими;

манфаатлар тўқнашуви - Кенгаш ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан Кенгаш манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсламинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий фойда олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай фойдани қонунга хилофравишда тақдим этиш;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар - ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порага яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулклар, мулкӣ тусдаги хизматлар, бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, рога бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликлари соддалаштириш учун тўловлар олиш, ходим томонидан рога олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими - қўлланиладиган амалдаги қонунчиликлари ва ички ҳужжатлар билан коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Кенгаш ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқӣ фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар - Кенгаш ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Кенгаш номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатлар билан содир этиш еҳтимоли ва хавфи;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги - Кенгаш ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки ноижорий манфаатлари);

релевант хабар - Кенгаш тизимидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар.

4. Кенгаш коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш - Кенгаш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тан олади ҳамда ҳимоя қилади;

конфиденциаллик ва хавфсизлик - алоқа каналларидаги хабарлардан фойдаланишга руҳсат берилган Кенгашнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарлар билан ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш)га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, еҳтиёцизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Кенгаш унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик - Кенгаш алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

келиб тушган барча хабарларни ўрганиш - Кенгаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари барча олинган хабарларни ҳар томонлама, холис ва ўз вақтида кўриб чиқишига кафолат беради;

муурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги - алоқа каналлари орқали эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Кенгаш ходими хабаминг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

муурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа - агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Кенгашнинг ваколат берилган ходими томонидан муурожаатчига йетказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги - коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Кенгаш айбдор шахслами жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади.

2- боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

5. Хабар куйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Кенгашнинг 71 200-26-00 (1190) телефон рақами;

Кенгашга шахсан муурожаат қилиш;

Кенгашнинг <https://sudyalari.olykengashi.uz> расмий веб-сайтида жойлаштирилган шаклни тўлдириш;

Кенгаш ходимлари ва Кенгашнинг муурожаатлар бўлими ёки девонхонаси телефон рақами орқали;

Кенгаш раҳбарияти ёки бошқа ҳуқуқни маҳофаза қилувчи органлар (фақат Кенгаш ходимлари учун) орқали;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Мазкур Регламентда назарда тутилган алоқа каналларидан ташқари келиб тушган барча хабарлар белгиланган тартибда қабул қилиниши, рўйхатдан ўтказилиши ва кўриб чиқиши лозим.

3- боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган релевант хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш

7. Релевант хабар келиб тушганда алоқа каналларида хабарларни қабул қиладиган Кенгашнинг ваколатли ходими:

Кенгашга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун муурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

кўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабами тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

Муурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

8. Релевант хабарларни қабул қиладиган ходим муурожаатчидан куйидаги маълумотлами имкон қадар аниқлаштириши лозим:

Кенгаш ва Кенгашнинг таркибий тузилмаси (бошқарма, бўлим) ҳақида;
коррупциявий ва бошқа ҳуқуқбузарлик содир этилган, содир этилаётган ёки содир этилиши мумкин бўлган вақтинчалик давр ва унинг мунтазамлиги (такрорланувчи, бир марталик);

коррупциявий ва бошқа ҳуқуқбузарликнинг қисқача тавсифи (жумладан, маълумотлар, аниқ муҳим фактлар ва ҳолатлар, аҳамиятга молик ўхшашликлар, эҳтимоли бўлган сабаблар);

гумонланувчи ва (ёки) дахлдор бўлган Кенгаш ходимининг лавозими ва Ф.И.Ш;

коррупциявий ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳақида билиши ва уни тасдиқлаши ва (ёки) хабар қилинаётган ахборотни тўлдириши мумкин бўлган Кенгаш ходимларининг лавозими ва Ф.И.Ш;

мурожаатчининг Ф.И.Ш. ва алоқа маълумотлари (ўзи истаганда қайта алоқага чиқиш учун).

9. Суд инспекцияси Кенгашнинг алоқа каналларидан келиб тушган релевант хабарларни кўриб чиқишга масъул бўлинма ҳисобланади.

Кенгашнинг алоқа каналларидан келиб тушган релевант хабар қабул қилинганда, бундай хабами қабул қилган ходим уни бир соатлик муддатда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш суд инспекциясига (кейинги ўринларда “Суд инспекцияси” деб юритилади) кўриб чиқиш учун тақдим этиши лозим. Бундай хабар ҳақидаги ахборот Судьялар олий кенгаши тизимидаги коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда -Реестр) бир соат ичида рўйхатга олинади.

4- боб. “call-center” орқали келиб тушган релевант хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш

10. Кенгаш “call-center” ёки 71 200-26-00 (1190) телефон рақами орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тартиби Кенгаш директорининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Агар “call-center” орқали мурожаат қилган шахс ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, унда оператор уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини кўрсатади ва тақдим этиладиган ахборотнинг конфеденциаллигини билдиради.

12. Агар хабар релевант бўлса, оператор уни ўматилган тартибда рўйхатга олиши ва тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Суд инспекциясига бир соат ичида тақдим этиши лозим.

13. Суд инспекцияси томонидан хабар олганидан кейин бир соат ичида уни Реестрда рўйхатга олиши лозим.

6- боб. Кенгашнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл орқали олинган релевант хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш

22. Кенгашнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл орқали келиб тушадиган релевант хабарларни қабул қилиш Кенгаш котиби томонидан амалга оширилади.

23. Кенгашнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл орқали релевант хабар келиб тушганда Кенгаш котиби бир соат ичида уни Суд инспекциясига киритиши лозим.

24. Суд инспекцияси Кенгаш котибидан хабарни олганидан кейин уни бир соат ичида Реестрда рўйхатга олиши лозим.

8- боб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали олинган релевант хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали релевант хабар келиб тушганда Кенгашнинг масъул ходими олинган маълумотлами тегишли тизимига рўйхатга олади ва бир соат ичида Суд инспекциясига киритади.

26. Суд инспекциясининг ходими мазкур хабами олганидан сўнг уни бир соат ичида Реестрда рўйхатга олиши лозим.

9- боб. Кенгаш ходимлари ва девонхонанинг телефон рақами орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш

27. Мурожаатчиларнинг релевант хабарлари Кенгаш ходимлари томонидан иш телефон рақами, шунингдек, девонхонанинг телефон рақами орқали ҳам қабул қилиниши мумкин.

28. Кенгаш ёки унинг ходими ёки девонхонага қўнғироқ қилинганда ходим мурожаатчининг хабарини қабул қилиши ва ундан қуйидаги маълумотларни олиши керак:

мурожаатчининг Ф.И.Ш.;

кайта алоқа учун электрон почта ёки телефон рақам;

хабар матнининг ўзини белгилаб олиши;

заруратга кўра илова қилинадиган қўшимча материаллар.

29. Кенгаш ходими хабарни қабул қилиб олган пайтдан бошлаб бир соат ичида мазкур Регламентнинг 28-бандида санаб ўтилган маълумотларни кўрсатиб хизмат хатини тайёрлайди ва олинган маълумотни Суд инспекциясига тақдим қилади.

30. Агар хабарда зарур ахборот тўлиқ бўлмаса, Суд инспекцияси бир соат ичида боғланиш учун кўрсатилган маълумотлар бўйича мурожаатчи билан такроран боғланиш чораларини кўриши керак.

31. Суд инспекциясининг ходими хабами қабул қилиб олган ходимдан хабами олганидан кейин бир соат ичида уни Реестрда рўйхатга олиши лозим.

10- боб. Ходимнинг раҳбарига келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш

32. Кенгаш ходимлари Кенгашнинг бошқа ходимлари тўғрисида ўзларига маълум бўлган коррупциявий хатти-ҳаракатлари ҳақида ўзининг Кенгаш раисига ёки Суд инспекциясига хабар беришлари мумкин.

33. Ўзига бўйсинувчи ходимдан релевант хабарни олган Кенгаш таркибий тузилмаси раҳбари хизмат хатини тайёрлаши ва унда қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

ходимнинг Ф.И.Ш.;

Кенгашнинг таркибий тузилмаси;

қайта алоқа учун электрон почта ёки телефон рақами;

хабар матни;

заруратга кўра илова қилинадиган қўшимча материаллар.

34. Релевант хабами қабул қилиб олган Кенгашнинг таркибий тузилмаси раҳбари бир соат ичида олинган маълумотни Суд инспекциясига киритади.

35. Агар хабарда зарур ахборот тўлиқ бўлмаса, Суд инспекциясининг масъул ходими бир соат ичида хабарни берган Кенгаш ходими билан боғланиш чораларини кўриши керак.

36. Суд инспекцияси хабарни олганидан кейин бир соат ичида уни Реестрда рўйхатга олиши лозим.

11- боб. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш

37. Суд инспекциясига келиб тушган барча хабарлар ушбу бўлимнинг ходимлари томонидан кўриб чиқилиши керак.

38. Хабар келиб тушганда Суд инспекцияси ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг релевантлигини таҳлил қилади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Кенгаш тизимига таалукли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш релевант хабар Суд инспекциясига келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида амалга оширилади.

39. Мазкур Регламентнинг 38-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

40. Агар Суд инспекцияси ходими хабар релевант эмас деган хулосага келса, бу хабар бир соат ичида Кенгашнинг масъул бўлинмасига ўтказилиши лозим.

41. Агар хабарда коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли

асослар мавжуд бўлса, Суд инспекцияси ички норматив ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

42. Релевант хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Кенгашга келиб тушган кундан эътиборан 30 кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатлами сўраб олиш талаб этилганда эса, Кенгаш директорининг розилиги билан бир ойдан кўпроқ муддатга узайтирилиши мумкин.

43. Релевант хабарларни кўриб чиқиш яқунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва мурожаат қилган шахсга юборилади (кўрсатилган алоқа маълумотлари бўйича ёзма ёки электрон шаклда).

44. Мурожаатга жавоб Суд инспекцияси томонидан тайёрланади.

12- боб. Яқуний қоидалар

45. Суд инспекцияси доимий асосда (ҳар чоракда) кўриб чиқиш учун Кенгаш директорига тақдим этиладиган Кенгаш ходимлари устидан коррупция масалаларида келиб тушган хабарлар ҳақидаги ҳисоботларни, шу жумладан, ахборот бериш каналлари, хабарлар тури, тасдиқланган фактлар сони, кўрилган чоралар ва бошқа маълумотлар шакллантирилади.

46. Мурожаатчилар ва ходимлардан хабарларни қабул қиладиган Кенгаш ходимлари мазкур Регламент талабларига риоя этилиши учун шахсан жавобгар бўладилар.

47. Мазкур Регламентни бузганлик учун жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Кенгашнинг ички норматив ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибда қўлланилади